

Ўзбекистон Республикаси
Қашқадарё вилояти
МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТ ШАКЛИДАГИ
"AUDIT-HISOB MARKAZI"
АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

Юридик манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, 180100, 7-миттитуман, 8/27-уй, тел. +99891-4603010
Лицензия: Аудиторлик фаолияти бўйича МВ нинг 2019 й. 02 апрелдаги АФ №00762 рақамли лицензиясига эга.

**«O'ZPARAVTOTRANS» АЖ нинг
2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботиغا
ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

Буюртмачи: «O'ZPARAVTOTRANS» АЖ
Манзил: Коровулбозор шаҳри, Қарши шохкучаси.
СТИР: 201782493 ОКОНХ 49410.

Мен, МЧЖ «AUDIT-HISOB MARKAZI» аудиторлик ташкилоти (Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, Мустакиллик-2 да жойлашган, СТИР рақами 203 798 660, ОКОНХ коди 84400, Банк: ТИФ Миллий банки Қашқадарё филиали, МФО коди 00150, Х/р. 20208000104153882001) аудитори Эргашева Зебо Эшмурадовна (аудитор малака сертификати рақами №05486, 2017 йил 09 июнда берилган) томонидан «O'ZPARAVTOTRANS» АЖ нинг баланс, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдан иборат 31.12.2018 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

«O'ZPARAVTOTRANS» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказилди. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Аудиторлик текшируви Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказилди. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради, деб ҳисоблайман.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, «O'ZPARAVTOTRANS» АЖ нинг 2018 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади, аудиторлик текширувида қайд этилган айрим камчиликлар унинг молиявий-хўжалик фаолияти натижаларига жиддий таъсир қўрмайди.

Аудиторлик ташкилоти бош директори, аудитор: -

З.Э. ЭРГАШЕВА

2019 йил, 25 март

